

ХОРАЗМ ВОҲАСИ МЕЪМОРИЙ ОБИДАЛАР ҚУРИЛИШИДА  
ЗИЛЗИЛАБАРДОШЛИК МАСАЛАЛАРИ

Рахмонов Б.С<sup>1</sup>,  
Савутов Р.Э<sup>2</sup>,  
Шамуротов А.О<sup>3</sup>,  
Матвапаева Ш.Ш<sup>4</sup>

- <sup>1-</sup> Урганч давлат университети проф., гуруҳ илмий раҳбари; <sup>2-</sup> “Курилиш” кафедраси катта ўқитувиси; <sup>3-</sup>шу кафедра ўқитувчиси, <sup>4-</sup>3-босқич талабаси.

Мақолада Хива “Ичон-қалъа” заповедниги тизимидағи меъморий обидалар мисолида воҳа меъморий обидалари қурилишида қўлланилган антисейсмик тадбирлар хақида маълумот келтирилган ва муҳандисона таҳлил этилган. Бино ва иншоотлар ҳажмий-режавий ечимлари қурилиш материаллари ҳамда конструктив тизимларига сейсмик мустаҳкамлик нуқтаи назаридан баҳо берилган.

**Калит сўзлар:** меъморий обида, сейсмик таъсир, зилзила, устиворлик, қоришма, пойдевор, тебранма харакат.

В статье на примере архитектурных памятников, расположенных в заповеднике “Ичан-калья” г.Хивы, приведены антисейсмические мероприятия, примененные при строительстве архитектурных памятников региона. Объемно-планировочные решения, строительные материалы, а также конструктивные системы зданий и сооружений оценены с точки зрения сейсмостойкости.

**Ключевые слова:** архитектурный памятник, сейсмическое воздействие, землетрясение, устойчивость, раствор, фундамент, колебательное движение.

Using the example of architectural monuments located in the Ichon-Kala Nature Reserve in Khiva, the article presents anti-seismic measures used during the construction of architectural monuments in the region. Space-planning solutions, building materials, as well as structural systems of buildings and structures are assessed from the point of view of seismic resistance.

**Key words:** architectural monument, seismic impact, earthquake, stability, mortar, foundation, oscillatory movement.

Маълумки, диёrimiz ўзининг юқори даражада ривожланган цивилизацияси билан инсоният тарихида бекиёс ўрин тутган.

Бугунгача олимларимиз томонидан ўтмишдаги ота-боболаримизнинг илмий меросини ҳар томонлама ўрганишлари, ўтмишдаги меъмор ва усталар амалда фойдаланган усувларни, манбаларни ўрганиш архитектура - тектоник тизимларини таҳлил қилиш диёrimизда ўрта асрларда архитектуравий лойиҳалаш фанининг тўлиқ шаклланганлигини кўрсатади.

Тарихдан маълумки, ўлкамида ота-боболаримизнинг математик фикрлаши ўта даражада юқори бўлган. Математика фанининг кўп қонуниятлари шу ерда яратилган ёки ривожлантирилган. Аста-секин математик фикрлашдан архитектура, қурилиш маданияти, амалий санъатга ўтиш жараёни кузатила бориб, билимларнинг математикалашуви жараёнида математика қонун-қоидаларидан бадиий ижодга ва ундан кейинрок қурилиш санъатига кўчириш жараёни кузатилган. Ўша даврда математика фанининг ўта

## THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

### VOLUME-4, ISSUE-3

ривожланганлик даражаси меймурлар ғояларини қурилишга татбик қилишда катта имкониятлар очиб берган[1,2].

Меймурлар қўлида сирти парабалоид айланасидан иборат мураккаб фазовий тизимлар, эллипсоид ва геодезик гумбазлар каби шакллар пайдо бўлди, бу албатта математика фани ютуқларининг қурилиш амалиётига татбиғи эди.

Қурилиш жараёнига фазовий юпқа деворли гумбаз, кубба, қобиқлар, тўрсимон конструкцияларнинг кириб келиши нафақат илмий-техник ривожланиш маҳсули, балки давр эстетик дидидан ҳам далолат бўлди.

Бино ва иншоотларга бўладиган сейсмик таъсир қатор хусусиятлар билан характерланади, булар биринчидан грунт тебраниш хусусиятлари, иккинчидан бино ёки иншоот ўзининг тебраниш хусусиятлари ва албатта, уларнинг ўзаро биргалиқда ҳаракатларидир. Агарда бино ёки иншоот режада иккала ўқ бўйлаб носимметрик жойлашса, сейсмик таъсир пайтида буровчи момент ҳосил бўлади ва бино (ёки иншоот) сейсмик зўриқкан ҳолати янада мураккаблашади, натижада иморатларда бузилиш ёки қулаш содир бўлиши мумкин.

Хива мейморий обидалари - бинолар лойиҳаларини таҳлил қиласак маълум бўладики, ўтмишда меймурлар энг аввало иморатларни режада квадрат шаклида ёки унга яқин қилиб олганлар(2,а,б,в-расмлар).

Лойиҳалашда қирқимни тасвиrlашда меймурлар биноларни баландликларини бир хил белгилаганлар, яъни баландликлари кескин фарқ қилишига йўл қўймаганлар. Агарда буюртмачи талабига кўра, баландликда кескин фарқ бўлиши зарур бўлиб қолса, у ҳолда баландликлар фарқ қилган жойлари қўшимча мустаҳкамланган (ёки ўша жойларда мустаҳкамлиги юқори бўлган қурилиш материалларидан фойдаланилган).

Ўтмишда ота-боболаримизнинг мустаҳкамликни ҳисоблаш усуллари ва уларнинг назарий билим чўққилари бизга аниқ эмас. Лекин уларнинг ўта даражада оқилона қурилиш маданияти уларнинг юқори назарий билим даражасининг белгисидир. Ўтмишда қурилиш жараёнида асос ва пойдеворнинг ўзаро таъсир жараёнига алоҳида эътибор билан қаралган (зилзила содир бўлганда бинога сейсмик таъсир айнан шу ҳолат билан белгиланади). Пойдеворни қуришдан олдин, қурувчилар асос грунтини мустаҳкамлаш мақсадида котлованин кўп марталаб намлаганлар, бу билан асос грунтининг максимал чўкишига ва зичлашишга эришганлар. Шундай усулда бино ва иншоот асосларида нотекис чўкишнинг олдини олишга ҳамда зилзила пайтида пойдевор узунлиги бўйлаб сейсмик кучларнинг текис тақсимланишга эришишга ҳаракат қилганлар.


Маълумки, иморат (иншоот)ларда энг муҳим конструктив элементлардан бири пойдевор ҳисобланади. Шунинг учун, ўтмишда меймор ва қурувчилар иморат (иншоот) пойдевори қурилишига алоҳида эътибор билан қараганлар. Хива иморатларида пойдеворлар деярли девор қалинлигидан ўзгармаган қалинликда, уларнинг жойлашиш чуқурликлари геологик ва гидрогеологик шароитларга боғлиқ ҳолда 0,5 метрдан 2,0 метргача қабул қилинган. Биноларнинг еости қисмларида ғишт теримлари фақат горизонтал қатор кўринишда қилинмасдан, "арча" кўринишида бир-бири билан учрашувчи қаторлар шаклида ҳам қилинган.

Иморат ер устки қисмида тахминан 0,5м баландликда деворга сейсмик изоляция мақсадида ёғочдан қатlam, маҳсус раствор (лой)да терилган тош блоклар, кўпчилик ҳолларда қамиш ёки екандан\* тайёрланган қатlam тўшалган. Бу тўшамалар илмий нуқтаи

## THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

### VOLUME-4, ISSUE-3


назардан ниҳоятда оқилона тадбир бўлиб, асрлар давомида табиат синовларидан мувваффакият билан ўтган. Антисейсмик тадбир сифатида ишлатиладиган ушбу маҳсус қатламлар зилзила пайтида девор бўйлаб вертикал тарқалувчи тўлқинларни сўндириш ҳамда деворга пойдевор орқали таъсир қилувчи горизонтал сейсмик кучларни кескин камайтириш хусусиятига эга. (3 а, б-расмлар)



2 а, б, в-расм. Хива баъзи меъморий обидаларининг режадаги ва қирқимдаги кўринишлари: а-расмда: А-Шерозихон; Б-Қутлуғ Мурод Иноқ; В-Муҳаммад Аминхон; Г-Муҳаммад Раҳимхон; Д-Юсуф Ясавулбоши; Е-Абдуллахон; Ж-Ёққубой Хўжса; З-Амир Тўра; И-Матниёз Девонбеги; Й-Мусо Тўра; К-Ислом Хўжса; Л-Кози Калон номли мадраса

б-расмда: А-Араб Муҳаммадхон; Б-Муҳаммад Амин Иноқ; В-Дўст Аълам; Г-Абдурасулбой; Д-Хўжамбердибий (Хуржум); Е-Матпанабой; Ж-Хўжам Муҳаррам; З-Мозори Шариф; И-Отаёнбий; Й-Толиб Мақсум; К-Қорихона мадарасалари.

в-расмда: Юқорида Оқ масжид, пастда Богбонли масжиди, ўнгда Саид ота (Ёр Муҳаммад Девон) масжиди.



3-расм. Бино, цоколь (пойпеш) қисмига жойлаштириладиган қамиш қатлам схемаси(а), девор остига бруслами қўйиш намунасининг асл ҳолида кўриниши.

Ўтмишда ота-боболаримиз сейсмик нуқтаи назаридан энг мустаҳкам конструкция каркас(синч) иморатлар эканини яхши билганлар. Шунинг учун ҳам худудимизда ёғоч камёб қурилиш материали бўлишига қарамасдан у қурилиш материали сифатида кенг тарқалган. Чунки улар солиширма мустаҳкамлиги юқори бўлишидан, хусусий оғирлигининг кичкиналиги бошқа қатор афзалликлари ёғоч материалининг сейсмик

## THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

### VOLUME-4, ISSUE-3

мустаҳкам иморат қуришда энг қулай қурилиш материалы эканини яхши билишган. Тарихда содир бўлган зилзилалар оқибатларини ўрганиш натижалари иморатлардан сейсмик мустаҳкамлиги энг юқорилари каркас (синч) уйлар эканини кўрсатди.


Хоразм меъморчилигига миноралар алоҳида ўрин тутади. Ўрта Осиё шахарсозлигига аниқ меъморчилик тизимини яратишда миноралар лойиҳалаш ва қуришга алоҳида эътибор билан қарабган.

Минораларни лойиҳалаш ва қуриш, айниқса у сейсмик актив ва ноқулай геологик ҳамда гидрогеологик шароитда жойлашадиган бўлса, меъмор ва қурувчилардан ҳисоблаш математикаси, геометрия, меъморчилик пропорция мутонасиблик ва ғоялари гармонияси борасида ўта юқори даражадаги билим савиясини талаб қилган. Минора баландлигининг ортиши ўз навбатида унинг vazni, ҳам ортишига, табиийки зилзила пайтидаги сейсмик кучларнинг ортишига олиб келади.

Миноралар баландлиги ортиши билан кўндаланг кесим юзаси камайиб боради. Бу билан меъмор ва қурувчилар авваламбор статик юкланиши ҳолатида устиворликка эришганлар. Бундан ташқари минораларда ташқи ва ички кучлар таъсиридан вужудга келадиган нормал кучланиш кескин ортмайди, яъни минора кучларга худди тенг қаршилик кўрсатувчи бруслардек қаршилик кўрсатади. Материаллар қаршилиги курсидан маълумки, минорасимон иншоотларни ўзгарувчи юзали қилиб қуриш, яъни унинг кучларга қаршилик кўрсатиши шароитини тенг қаршилик кўрсатувчи брус шароитига яқинлаштириш жисм (минора) танасидаги нормал кучланишнинг кескин ортиб кетишидан сақлайдиган энг оқилона усулdir. Ўйлаймизки, ўтмишда меъмор ва қурувчилар назарий билимлар асосида ушбу усульнни танлаганлар. Минораларни ерга маҳкамланган (консоль) стержень деб қараш мумкин. Зилзила пайтида бундай иншоотларда унинг баландлигига боғлиқ ҳолда горизонтал сейсмик кучлардан эгилиши ёки силжиш деформациялари вужудга келиши мумкин. Миноранинг баландлигига қараб кўндаланг кесимининг ўлчамларини камайтириб бориш ушбу деформациялар қийматининг кескин ортиб кетмаслигини, ҳамда ушбу иншоотларни етарли даражада устиворлик билан таъминлайди. Меъмор ва қурувчиларнинг худди шундай оқилона ечимини Ислом хўжа минораси қурилишида ҳам кўриш мумкин. (4,а расм)

Ушбу минорада ер сатҳидан таҳминан 1, 2 м баландликда қалинлиги 18-19 см бўлган мармар блоклардан гидроизоляцион қатlam қўйилиб, қатlam тагида толь тўшалган. Мармартолъ қатлами пастдан намликни тепа деворга ўтказмаслик учун хизмат қилишдан ташқари, зилзила пайтида сейсмик изоляцион сирпанувчи қатlam ролини ўтайди(4б, расм)[3,4].

а)



6)



4--расм. Исломхўжа минорасининг схематик кўриниши.

Ота-боболаримиз қурилиш материалларининг эластиклик хусусиятларини бино ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлигини оширишнинг гарови деб билганлар. Бунинг натижаси ўлароқ бинокорликда қурилиш қоришмаси сифатида ганч ва лойдан фойдаланиш кенг тус олди ҳамда лой "ёстиқ" қа жойлаштирилган пойдеворлар, бино цокол қисмида екан<sup>1</sup> ва қамишдан тайёрланган антисейсмик тадбирлар, алоҳида хусусиятли конструкциялар вуждуга келди (буларга батафсил тўхталиб ўтамиз).

Ҳозирги алебастрлар пайдо бўлмасдан анча илгари Ўрта Осиёда ғиштларни (пишиқ ғиштларни) теришда боғловчи материал-ганчдан фойдаланиш ўлка қурилишида алоҳида даврни очиб берди. Бино ва иншоотларнинг масъуллиги юқори бўлган қисмларида (гумбаз ва шу кабилар) ганч, қолган қисмларида ғишт теришда маҳсус ишлов берилган лой қоришмалар ишлатилган.

<sup>1</sup> кўулларда ўсадиган намликни ўтказмайдиган, намликдан чиримайдиган ўсимлик.

## THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

### VOLUME-4, ISSUE-3

Бундай оқилона ечимлар яна бир бор ўтмишдаги қурувчилар ақл идрокидан далолатдир. Айниқса, юқори намлиқда ишлатиладиган иншоотларда барпо этилган сув иншоотлари конструкцияларида сувга ва мұхитнинг бошқа агрессив таъсирларига турғун бўлган кирлар (ўрта махсус қоришма)дан фойдаланилган.

Кир қоришмаси ғишт теришда камроқ ишлатилган. Улар турли агрессив таъсирларга турғунлиги туфайли кўпроқ ўта нокулай шароитларда сувоқ ишлатилган.

Табиийки, ганчнинг қурилиш хусусиятлари унга қўйилган барча талаблар айниқса, антисейсмик талабларни тўлиқ бажармай қолган. Баъзида уларнинг яъни қоришмаларнинг эластик ёки бошқа хоссаларини оширганлар.

Масалан, миноралар қурилишида ишлатиладиган қоришмаларга сут, баъзи ҳолларда түя қаймоғи "сузма" аралаштириб қоришма мустаҳкамлигини оширганлар.

Бундан ташқари ганч қоришмасига сирач қўшиш орқали, унинг мустаҳкамлиги ва эластиклик хоссаларини пасайтирган ҳолда унинг сув ва мұхитнинг бошқа агрессив таъсирига турғунлигини оширишга ҳамда қоришма қотиш муддатининг узайишига эришганлар. (Сирач сарғимтирик рангли кукун бўлиб, тоғ ва адирларда ўсадиган шу номли, пиёзгуллилар гурухига киравчи ўсимлик илдизидан тайёрланади).

Ўтмишда бинокорлар қурилиш қоришмалари эластик ва қайишқоқлик хоссаларининг ғишт терими конструкцияси сейсмик мустаҳкамлигини таъминлашдаги ўрнини тўғри баҳолай билганлар. Ғишт деворнинг тепасидан пастга қараб хусусий оғирліклардан вужудга келадиган вертикал кучнинг ортиб боришини ҳамда зилзила пайтида сейсмик куч конструкция вазнига пропорционаллигини ҳисобга олиб, горизонтал чокларда қоришма қалинлиги ҳам девор баландлиги бўйлаб бирдай белгиланмаган. Одатда бино деворининг пастки қисмida қоришма қалинлиги каттароқ (тахминан 5 см қалинликда) белгиланиб, девор баландлиги ортган сайин, қоришма қалинлигини камайтириб борганлар. Бу билан ғишт-қоришма системасининг эластик хусусиятини оширишга эришганлар. Шунинг учун ҳам кўпгина ҳолларда ганч қоришмасининг бутун ғишт девор хажмига нисбатан улуши 30% ни ташкил қилган.

Ўтмишда меъмор ва қурувчилар бино ва иншоотлар пойдевори лойиҳаси ва қурилишига алоҳида эътибор билан қараганлар. Сейсмик актив ҳудудларда бино ёки иншоот пойдевори асосининг мустаҳкамлигини таъминлаш қурилажак бино ёки иншоот сейсмик мустаҳкамлигини белгиловчи омиллардан бири деб ҳисобланган. Қурувчилар кўпинча лойнинг ўта пластик хусусиятларидан фойдаланишга ҳаракат қилганлар. Бунинг учун бино ёки иншоот пойдевори остига маълум қалинликда олдиндан яхшилаб ишлов берилиб пишитилиб этилган соф лой қатлами тўшалган.

Бино ёки иншоот пойдевори учун қазилган қатлован ёки зовур (траншея)ларга 60-80 сантиметр қалинликда қуюқ ҳолатдаги лой ётқизилган. Ушбу қатlam - ёстиқнинг эни пойдевор энига кўра кенгрок ўлчамда тайёрланган ва унинг устига ғишт (баъзи ҳолларда тош) терилиган. Пойдевор ғишт теришда бир хилда қоришма ишлатилмаган. Пойдеворнинг пастки қаторлари қоришма сифатида соф лой ишлатилган бўлса, унинг юқориги қаторларида ганч қоришмаси ишлатилган, яъни пастки қаторида соф лой ундан баландроқ қаторлардаги қоришмаларга ганч аралаштириб борилган ва юқори қаторларда фақат ганч қоришмаси ишлатилган. Пойдевор ғишт (тош) териш пастки қаторларидан юқориги қаторларига кўтарилиган сайин қоришма мустаҳкамлигининг ортиб бориши замонавий бинолар зилзилабардошлик фани қоидалари бўйича нихоятда оқилона тадбир бўлган.

## THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY


### VOLUME-4, ISSUE-3

Маълумки, зилзила пайтида грунт тебранма харакат интенсивлиги грунт чуқурлиги ортган сайин камая боради ва аксинча. Шунинг учун бино пойдеворининг пастки нуқталарига таъсир қилувчи сейсмик куч қиймати ҳам нисбатан кичик бўлиб, юкори қатламга кутарила борган сайин унинг интенсивлиги орта боради. Шу нуқтаи назардан пойдеворнинг турли қатламларида мустаҳкамлиги турлича бўлган коришмаларнинг ишлатилиши оқилона иш бўлган.

Ўтмишда қурилиб бугунгача етиб келган биноларнинг конструктив ечимларини мухандислик қоидалари бўйича таҳлил қилинганида, бинолардаги пойдеворлар икки хил усулда қурилгани маълум бўлган: - энининг ўлчамлари бино цоколи ўлчамларига тенг бўлиб, бутун баландлик бўйича ушбу ўлчамлар ўзгармас ҳолда қурилган пойдеворлар; - энининг ўлчами пастга томон кенгайиб борувчи пойдеворлар(5-расм).

Пойдеворлар баландлиги ер сиртига етганда, пойдевор ва бино цоколи орасига унча қалин бўлмаган лой қоришимасида ёки тоза тупроқнинг ўзидан бинонинг бутун периметри бўйлаб, бир қатор ғишт терилган. Бу ҳам қадимий меъмор ва қурувчиларнинг антисейсмик тадбирлардан бири бўлган.

Маълумки, зилзила содир бўлганда вужудга келадиган сейсмик кучларининг горизонтал ташкил этувчилари пойдеворни бино тагидан суреб чиқаришга интилади. Бинонинг остки қисми (пойдевор) ва устки қисми цокол девори билан маҳкам боғланмаган ғишт қатлами



6-расм. Бинолар пойдеворининг кўриниши


пойдевор ва цоколнинг зилзила пайтида бир-бирига нисбатан силжиш имконини беради. Натижада пойдеворда вужудга келган сейсмик зўриқишлир бинонинг юкори қисмларига узатилмайди. Бу эса, ўз навбатида. бино юкори қисмлари сейсмик зўриқкан ҳолатининг ортиб кетмаслигига сабаб бўлади.

## THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

### VOLUME-4, ISSUE-3

Ўтмишда ота-боболаримизнинг бино ва иншоотлардаги қўллаган антисейсмик тадбирлари мажмuinинг мантиқан энг ривожланган усул- бино ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлигини оширишда қамиш ва екан қатламларидан фойдаланишидир.

Қамиш ва екан қатлами биноларнинг цоколь қисмига еткизилган. Цоколнинг ер сиртидаги қисмида ердан маълум бир баландликда текис қилиб қоришма ёйилгандан кейин, унинг устига тахминан 5-10 см қалинликда, девор текислигига перпендикуляр йўналашда қамиш (ва екан) бостирилган. Қамиш ва екан узунлиги девор энига нисбатан тахминан 2-5 см узунроқ қилиб, тайёрланган. Қамиш қатлами устидан қоришма тўшалиб, унинг устидан фишт терилган (7-расм).



7-расм. Бинонинг цокол қисмида қамиш қатламидан сейсмик ва гидро ҳимоя қаталми сифатида фойдаланиш.

Баъзи адабиётларда бундай қамиш қатламлари вақт ўтиши билан эзилиб қолиши ва улар самара бермаслиги хақида ёзилган.

Маълумки, зилзила чоғида гипоцентрдан ҳамма томонга сейсмик тўлқинлар тарқалади. Бино ва иншоотлар сейсмик тўлқинлари таъсиридан фазовий тебранма ҳаракат, яъни у вертикал текисликда вертикал ўқ бўйлаб, горизонтал текисликда иккита ўқ бўйлаб тебранма ҳаракат қиласи.

Сейсмик кучдан вертикал ташкил этувчиси таъсирида ёки иншоот барча конструкциялари пастдан юқорига қараб йўналган ўқ бўйлаб тебранма ҳаракат қиласи. Бундан вертикал сейсмик таъсиридан сейсмик тўлқин грунтдан дастлаб пластик лой қатламига урилади. Пластик лой сейсмик тўлқинларининг анча қисмини ютуш хусусиятига эга бўлганлиги туфайли у сейсмик тўлқинлар интенсивлигини сусайтиради. Бу ҳол иккинчидан пойдевор сейсмик таъсиридан тош асосларида кузатиладиган кучланиш конструкция тўпланишидан асрайди. Учинчидан грунт тебранишининг юқори частотали қисмини сўндиради. Маълумки, юқори частотали тебранишлар қаттиқ бино ва иншоотлар

## THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

### VOLUME-4, ISSUE-3

учун хавфлидир. Пойдевордаги пастки қоришмалар ҳам худди шундай хусусиятга эга бўлганлиги туфайли, улардан ўтишда вертикал сейсмик тўлқин интенсивлиги янада пасаяди. Бинонинг цокол қисмида жойлаштирилган қамиш қатлами амортизатор вазифасини бажаради. Маълумки, амортизатор тўлқин таъсирини юкорига тўлалигича ўтказмайди. Эластиклиги ғиштдан юқори бўлгани туфайли тўлқин қамишдан ўтганда унинг таъсири анча қирқилади. Сейсмик тўлқин бутун девор бўйлаб эластик ганч қоришмасидан ўтгани сайн анча сўнади. Кўриниб турибдики, ушбу қурилиш материалларининг барча сейсмик таъсири вертикал ташкил этувчисининг кескин пасайишига олиб келар экан.

Биламизки, бино ва иншоотлар учун зилзила пайтида сейсмик таъсирининг горизонтал ташкил этувчиси анча хавфли ҳисобланади. Сейсмик кучнинг бундай ташкил этувчиси бино ёки иншоот пойдеворига грунт орқали горизонтал йўналишда таъсир қилиб, пойдеворни бино остидан суриб чиқаришга интилади.

Бинонинг пойдевор ва цокол қисмлари туташув жойига қум билан тупроқдан териладиган қоришма қатлами тўшалган. Ундан тепада қамиш қатлами бор. Бу иккала қатлам туфайли грунт орқали пойдеворга таъсир қилувчи горизонтал кучга бино кам қаршилик кўрсатади. Қамиш қатлами эса бинонинг пастки ва юқориги қисмларининг бирбирига нисбатан силжиш имконини беради. Бу ҳол бинога таъсир қилувчи горизонтал сейсмик куч қийматини кескин камайтиради.

Бундан ташқари юқоридаги антисейсмик тадбирларнинг қўлланилиши бино ёки иншоотни горизонтал йўналишда резонансга олиб келувчи хавфли ҳолатдан қутқариб қолади. Қамиш қатламининг яна бир афзаллиги горизонтал йўналишдаги тебранма ҳаракат энергиясининг катта миқдорда тарқалишига олиб келишидир. Горизонтал сейсмик куч камайиши силжиш ва эгилиш кучланишлари қийматининг пасайишига олиб келади.


Маълумки, ўтмишда меъмор ва қурувчилар томёпма ва ораёпма конструкциялари сифатида юпқа деворли архитектуравий шакллардан самарали фойдаланганлар. Бу билан улар конструкциялар хусусий оғирликлари ва албатта, зилзила пайтидаги сейсмик (инерцион) кучларни камайтиришга эришганлар.

Ўтмишда меъмор ва қурувчилар зилзила пайтида сейсмик кучларни камайтириш мақсадида, бино ва иншоотлар қурилишида хусусий вазни енгил материаллардан фойдаланишга ҳаракат қилганлар. Шунинг учун ҳам танқислигига қарамасдан кўп қурилиш афзалликларига эга бўлган ёғоч бино ва иншоотлар қурилишида улар кенг кўламда ишлатилган. Айниқса устун ва шу каби алоҳида турувчи конструкцияларда тош материалининг қўлланмаганлигини алоҳида қайд қилиш лозим.

Тош ва ғишт устунларининг сейсмик устиворлиги етарли эмаслиги сабабли, бу ўринда фақат ёғоч устунлар ишлатилган. Чунки ёғоч материалининг хусусий оғирлиги камлиги ва бошқа қатор афзалликлари туфайли ораёпма ва томёпма конструкцияларида устун ва каркас тизимиға содда шарнирли боғланиш имконияти мавжуд. Устунларнинг остки (пастки) қисми эса энсизроқ қилиб тош ёки ёғоч асосга ўрнатилган (8-расм).

## THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-4, ISSUE-3



8-расм. Ёғоч устунларнинг балка остики элементига маҳкамланиши схемаси.

Шундай қилиб, ўтмишдаги меъмор ва қурувчиларнинг асосий мақсади, бино ва иншоотларга етарли даражадаги мустаҳкамлик ва устуворлик таъминлашдан иборат бўлган. Улар яратган қурилиш усуллари аниқ фан ютуқларига асосланган бўлиб, даврининг эстетик талаблари даражасида амалиётда қўлланилган. Ҳар бир меъморнинг тақрорланмас архитектуравий асари унинг ўзига хос ҳуснихати (дастхати), архитектуравий-бадиий маданияти, эстетик дунёқараши ва чукур билим даражасининг интиқосидир.

### АДАБИЁТЛАР:

1.В. Г. Воробьев, М. С. Лапиров - Скобло, Е. Е. Неразик Археологические работы в Хазараспе в 1958-1960 г.г. Материалы Хорезмской экспедиции, 6 Москва, 1963.

2.Кой-крылган кала. Памятники культуры древнего Хорезма. Ответст. ред. С. П. Толстов - М, 1967.

3.Б.С.Рахманов, К.Собиров, Р.Нафасов. Хоразм кальялари қурилишида зилзилабардошлик масалалари. Илм сарчашмалари, N4, 2002й.

4.Б.С.Рахманов, СидиковМ.Х.,СобировБ.Х.,ЮнусовШ.К вопросу инженер-ного анализа строительстве минарета Ислам Ходжа. «Ўзбекистон архитектура ёдгорликларини асрап муаммолари» мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари

23-27 май. ТАҚИ, 2003